



ТОШКЕНТ ХАЛҚИ ҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2007 йил
4 июль
ЧОРШАНБА
№ 54
(11.961)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАМКОРЛАРИ ТОБОРА КЎПАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 3 июль кuni Оқсаройда Ислам тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али раҳбарлигидаги Араб мувофиқлаштириш гуруҳи делегациясини қабул қилди.

— Биз араб дунёси молиявий ташкилотлари билан ҳамкорликни юксак кадрларимиз, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Ушбу нуфузли делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи ва унинг доирасида ўтаётган мажлис кўп томонлама манфаатли натижалар билан яқунланишига ва эришилган келишувлар истиқболда катта самаралар беришига ишонамиз.

Ислам тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси, Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси, ОПЕКнинг Халқаро тараққиёт жамғармаси ва Абу-Даби Тараққиёт жамғармасини бирлаштирувчи Араб мувофиқлаштириш гуруҳи қатор мамлакатлардаги турли устувор лойиҳаларни молиялаштириш учун шу кунгача жами 75 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратган. Шундан Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбойжон ҳиссасига бир миллиард доллар тўғри келади. Бу миқдорни ошириш учун имкониятлар катта. Гуруҳ делегацияси Ўзбекистоннинг таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика, кимё саноати, коммунал хизмат, қурилиш ва металлургия соҳаларидаги лойиҳаларни кўриб чиқиш, амалга ошириш масалаларини муҳокама қилиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган. Гуруҳ эътиборига жами 26 лойиҳа тақдим қилиниши мўлжалланган.

Мазкур тузилмалар орасида Ислам тараққиёт банки (ИТБ) ва Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси Ўзбекистон

билан анча йиллардан буюн ҳамкорлик қилиб келади. ИТБ Бошқарувчилар кенгашининг 2003 йилда бўлиб ўтган йиллик йиғилишида Ўзбекистон мазкур ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо этиб қабул қилинди.

Бу Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Абу-Даби Амирлиги ва ОПЕК жамғармалари вакиллари билан Ўзбекистонга илк расмий ташрифидир. Бу мамлакатимизнинг молиявий шериклари сони ортаётганидан ва айни пайтда араб дунёсида Ўзбекистон билан иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш ошиб бораётганидан далолатдир.

Делегацияга Ўзбекистоннинг яна бир муҳим ҳамкори — Осиё тараққиёт банкининг вице-президенти Ликун Жин ҳамроҳлик қилаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Оқсаройдаги учрашувда меҳмонлар Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотларга юксак баҳо бердилар. Самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга тайёр эканликларини таъкидладилар.

Сўзбат чоғида мазкур тузилмалар билан ҳамкорликда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 16 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа сифатида баҳоланмоқда. Шу кунларда мазкур қарор ижросини таъминлаш, ҳаммамиз учун энг азият, энг улуг байрам ҳисобланган Мустақиллик кунини муносиб меҳнат ютуқлари билан қўтиб олиш учун бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.



ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ

Бўстонлиқ тумани Марказий ўйингоҳида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва Бўстонлиқ туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган «Шу азият Ватан барчамизники» деб номланган катта Дўстлик форумининг асосий мақсади ҳам Мустақиллик инъом этган неъматларни, у берган имкониятларни яна бир қарра эътироф этишга бағишланди.

Шу кунни Ўзбекистон байроғи ва турли-туман паннолари билан безатилган Марказий ўйингоҳ янада ўзгача файз-тароват касб этди. Ўйингоҳ узра қалбларни жунбушга келтириб янраган Ўзбекистон мадҳияси форум бошланганлигидан дарак берди.

— Ўзбекистонда яшовчи турли миллатга мансуб хотин-қизлар ва ёшлар иш-тироқидаги «Жиноятчилик, терроризм ва ғиёҳвандликка қарши» шиори остидаги ушбу Дўстлик форуми туманимизда ўтказилаётгани бежиз эмас, — дейди тадбирини очар экан Бўстонлиқ туман ҳокими Қамбарали Эшонкулов. — Туманимизда етмишдан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир

ойла фарзандларидек аҳил ва тотув ҳаёт кечирмоқдалар. Улар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни янада чуқурлаштириш билан мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бугунги кунда вилоятда юздан ортиқ элат вакиллари яшамоқда. 32 та миллий маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда уларнинг тили, урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган.

Тадбир доирасида ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёт ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётганлиги ҳамда миллатлараро товуликни таъминлашдаги алоҳида хизматлари учун бир гуруҳ фаоллар туман ҳокимлигининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Форум, айниқса, 2006-2007 ўқув йилида ўрта умумтаълим мактабларининг бир гуруҳ аълочи битирувчи ёшлари учун алоҳида унутилмас кун бўлиб қолиши шубҳасиз. Чунки, уларга шу тадбир мобайнида етуқлик шаходатномаси тантанали равишда топширилди ва эзгу ниятлар би-

лан оқ йўл тиланди.

Туманда хотин-қизлар спортини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, туман спортчи хотин-қизлари турли мусобақаларда яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Махлиёхон Ҳикматова ана шундай ёш гимнастикачилардан. Унга ҳам туман ҳокимининг совғаси топширилди.

— Ишонамизки, Дўстлик форумининг жиноятчиликка, халқаро терроризм ва ғиёҳвандликка қарши кураш шиори остида ўтаётганлиги, албатта, ўз самарасини беради, — деди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова. — Энг муҳими, бугунги тадбир барчамизни Президентимиз томонидан илгари сурилган асосий ғоялар — Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, қомил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро товулик, бағрикенглик каби эзгу ниятлар атрофида янада мустаҳкам жиспашимизга хизмат қилади.

Тадбирга вилоят, туман бадийи дасталари, ёш спортчиларнинг чиқишлари алоҳида файз киритди. Шунингдек, ўйингоҳга йирилган саккиз мингга яқин



томошабинлар таниқли хонандаларнинг чиқишларини ҳам узоқ олқишладилар.

Дўстлик форумида Ўзбекистон Республикаси

Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова иштирок этди.

Зулхумор ЖЎРАЕВА.

СУРАТЛАРДА:

Дўстлик форуми лаҳзалари. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

СЕРГЕЙ ИВАНОВ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Сергей Иванов 3 июль кuni расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Юқори мартабали меҳмоннинг 4 июль кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Бош вазир Шавкат Мирзиёев билан учрашуви кўзда тутилган.

Музокараларда Ўзбекистон-Россия муносабатларининг бугунги аҳоли ва иш-тиқболлари муҳокама қилиниши, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашиш мўлжалланган.

Ў.А.

Мустақилликнинг 16 йиллигига

ЎЗБЕКИСТОН ПЎЛАТИ

Бекобод шаҳрига кираверишда, катта йўлнинг чап томонида, Мугол тоғ тизмаси этакларида улкан бир корхона кўзга ташланади. Бу — «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Қачонки йўлим шу томонларга тушса, машина ойнасига ёпишгудек бўлиб ўша томонлардан кўз узмай бораман. Мартен ва электрда пўлат эритиш печларининг гувилаган овозини эшитгандек бўламан. Қайноқ металлнинг ярқираб оқиши, прокат станидан гулдираб отилиб чиқаётган яллуғли маҳсулот кўз ўнгимдан ўтади. Шунда

бутун вужудимни мамлакатимизнинг донгдор металлурглари — оловли касб эгалари, уларнинг шавкатли меҳнати учун ифтихор, ундан куч-қудрат олиб, ўз мустақил тараққиёт йўлидан огишмай бораётган жонахон Ўзбекистонимиз билан фарҳанганиш туйғуларига қамраб олади.

(Давоми 3-бетда).

МИСРЛИКЛАРНИ МАФТУН ЭТДИ

Оҳангаронлик тадбиркор Зарифахон Баҳодированинг уй шароитида маҳаллий хом ашё — ёввойи тол новдасидан тайёрланадиган турли ҳажмдаги саватлар ҳамда дала ҳовли учун мўлжалланган ором курсилари ўзининг сифати ва бежиримлиги билан мисрлик ишбилармонларда ҳам ҳавас уйғотди.

— Яқин истиқболдаги режаларимиздан бири экспортга маҳсулот сотиш, — дейди тадбиркор. — Жумладан, 2008 йилдан бошлаб совғабоп маҳсулот — сувинири саватчаларни шартнома асосида мисрлик буюртмачиларга жўнатиш ниятидамиз.

Авазбек ЭРМАТОВ.

«ЙЎЛЧИ»ДАГИ БОЛАЛАР

Янгибод йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси тасарруфидаги «Йўлчи» болалар оромгоҳи Ангреннинг сўлим тоғ этагига жойлашган бўлиб, ҳар йили бу ерда мингдан ошқич ўқувчи дам олади.

— Жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган спорт мусобақалари, бадийи-мусиқий кечалар болаларнинг ёғи таътилни мароқли ўтказишларига қўмаклашмоқда, — дейди «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шахар кенгаши раиси Холбунисо Пўлатова. — Айниқса, табиат қўйнига уюштирилаётган саяхатлар уларда бой таассуротлар қолдиришда.

Мунира ИСАЕВА.

Ғалла — 2007 ҲОСИЛДОРЛИККА ЯРАША ДАРОМАД



СУРАТДА:

«Лочин — Абдуқодирбек» фермер хўжалиги раҳбари Ғайрат Норжигитов ҳосил қўғидан мамнун.

Вилоятимизда энг кўп ғалла етиштирилаётган туманлар деҳқонлари бу мавсум ҳам эл-юрт хирмонига баракали ҳосил тўқмоқдалар. Улар ризқ-рўзимиз бўлган ғаллани нест-нобудгарчиликсиз йиғиштириб олиб, ҳосилдан бўшаган ерларга такрорий экинларни вақтида экиб олиш ҳаракатидалар.

Чунончи, Оққўрғон, Бўка, Қуйиқирчиқ, Юқориқирчиқ, Ўртақирчиқ туманларида аксарият заминдорлар давлат эҳтиёжлари учун ғалла етиштириш контрактиция шартномаларини урдалаб, юқори ҳосилдорлик эвазига мўмай даромад олмақдалар.

Кечаги кунгача вилоятимиз ғаллакорлари уйган дон хирмони 270 минг тоннадан ошди. Шунингдек, бу йили етиштирилиши кўзда тутилган уруғлик доннинг 7300 тоннаси тахт қилинди.


Бўка туманидаги «Исоқ ота» фермер хўжалиги аъзолари ҳам мавсумда кўзланган мақсадларга эришиб, ўримни туманда барвақт яқунладилар. Улар 18 гектарда «Крошқа» нави етиштириб, ўртача 50-55 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлдилар.

— Бу йилги ҳосилдан 30 тоннаси ўзимизга қолди, — дейди

фермер. — 12 та аъзоимиз бор. Фойдани уларнинг мавсумда қилган меҳнатларини муносиб тақдирлашга, шунингдек, хўжалигимиз техник негизини мустаҳкамлашга йўналтириш ниятидамиз.

Бу мавсум оққўрғонлик фермерлар эришаётган натижалар ҳам ҳавас қилгулик. «Покиза — М», «Лочин — Абдуқодирбек», «Бурхон» каби ўнлаб фермер хўжаликлари тармоқда асосан уруғчиликка ихтисослашиб, айниқса, юқори даромад кўраётганлар. Улар эришган ҳосилдорлик ҳам 55 центнердан кам бўлмади.

— Хирмонга 52,4 тонна уруғлик дон етказиб бердик, — дейди «Бурхон» фермер хўжалиги раҳбари Бурхон Курбанов. — Бу йилги ғалланинг харида нархлари ҳар томонлама мақбулликни кўражақ даромадимизга барака киритса ажабмас. Алишер РАҲМАТОВ.



СУРАТДА:

Фермер Бурхон Курбанов ғаллазорда. П. ЭРГАШЕВ олган суратлар.

Тошкент Солиқ коллежидида 2 июль — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кунга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

АСРИЙ ОРЗУЛАР РЎЁБИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутatlари, солиқ органлари вакиллари, мазкур коллеж ўқитувчилари ва ўқувчилари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербида халқимизнинг энг буюк неъмат — истиқлолга эришишдек асрий орзу-умидларининг рўёби, бой тарихи, бугуни ва порлоқ келажаги мужассамдир. Тадбирда ана шу рамзларнинг, жумладан, давлатимиз герби мазмун-моҳиятини, тўла англаб етиш, ҳар бир фуқаро, айниқса, ёш авлод онгига уларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди. Бунда кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишлари изчиллигига эришиш катта самара беради.

Ў.А.

Мустақилликнинг 16 йиллигига

ШОШ МЎҶИЗАСИ

Май ойида бирлашма металлургия 62 минг 123 тонна пўлат эритиб, 55 минг 964 тонна прокат олишди. Олмалик ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, бошқа истеъмолчиларга 12 минг тоннага яқин металл соққалар етказиб беришди, 1,3 миллиард сўмликдан зиёд кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилди. 22,5 минг тоннага яқин махсулот олис ва яқин хориж мамлакатларига экспорт қилинди.

Меҳнат жамоаси бундай юқори кўрсаткичларга эришиш учун узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Корхона ўтган асрдаги энг узоқ давом этган ва ҳадсиз-ҳисобсиз қурбонликлар талаб қилган Иккинчи жаҳон уруши йилларида барпо этила бошланган эди. Тасодифми ёки бу ҳодисада қандайдир боғлиқлик борми, ҳар қалай уни қуриш ҳақидаги ҳуқумат қарори 1941 йилнинг 18 июнь кўни қабул қилинган. Умуман, Шош юртида пўлат қуйиш, кескир қилиш ва ўткир найзалар ясаш билан боғлиқ ривоятлар кўп.

Ривоят: Сирдарёни кечиб ўтиб, Шош воҳасига бос-тириб кирган Искандар қўшинлари кун-сайин кўпроқ талафот кўра бошлади. Қуроли фақат камон ва ўқдан иборат суворийлар паст-баланд тепаликлар ортидан бемисола «учиб» чиқиб, пўлат қалқонлар тақиб олган босқинчилар устига лончдек ёпирилишган. Уқур отларда олиб бораётиб отилган камон ўқлари қалқонларни ҳам тешиб ўтиб, душман аскарларига қирон келтирган. Душман қўшини оғир талафотлардан ўзини ўнглаб олиб, қарши ҳужумга ўтишга улгурмай бу суворийлар тепаликлар ортида, тоғ ўриларида қўринмай кета беришган.

Камон ўқи учун бундай ўткир пўлат учликлар, дами каттик кескир қилинчлар Паркент, Бўстонлик, Охангарон конларидан қазиб олинган маъданларни махсус эритиш ва тоблаш йўли билан тайёрланган.

Ўзбекистон металлургия заводида дастлабки пўлат қўмаси 1944 йилнинг 5 март кўни олинди. Маҳаллий аҳоли фарзандлари орасидан Ҳафиз Ганиев, Банноп Мирзаматов, Ахтем Желилов, Алексей Штиров, Файзулло Яруллин, Шерали Ҳамроқулов сингари пўлатни тезкор эритиш усталари етишиб чиқди. Ўзбек пўлат қуювчилари Ҳафиз Ганиев, Саид Нуриддинов, Асад Эргашевларга кейинчалик Меҳнат қаҳрамони унвони берилди.

Лекин мартен цехи лойиҳа қувватига эришгунча олти йил ўтди. Бу суръат асло қониқтирмасди. Шу боис электр қуввати билан пўлат эритиш цехини қуришга киришилди. Уни барпо этиш жараёнида собик Иттифокнинг 20 дан ортқ шахарларидаги 347 та корхона турли жиҳоз ва ускуналар етказиб бериб турди. 1978 йилнинг 17

(Давоми. Боши 1-бетда).

августидан янги цехнинг йилга 250 минг тонна пўлат эритиш қувватига эга бўлган биринчи навбатда ишга туширилди. Мартен цехида узлуксиз пўлат қуйиш қурилмаси барпо этилди. 1984 йилнинг 30 июнида 2-навли прокат цехида дастлабки махсулот олинди. Лойиҳа қуввати йилга 600 минг тонна прокат олишга мўлжалланган бу цехда турли хажм-ли арматуралар, ўлчамли бурчакли темирлар, швеллерлар ишлаб чиқарила бошланди.

Лекин 80-йилларнинг охириларига келиб, улкан Иттифок давлатида таъминотнинг нихоятда марказлаштирилганлиги хом ашё, бошқа ёрдамчи ресурслар етказиб берилишида узилишларга олиб келди. Корхона инқирозга юз тутди. Иттифокнинг тўйиб кетиши эса бу жараённи тезлаштирди.




меҳнатлари билан Ватан иқтисодиётини кучайтириш, куч-қудратини ошириш иш-тиёғи металлургияда жўш уриб борди. Бу интилиш, айтайлик, 1991 йилиёқ ишчи ва мутахассислар томонидан 92 та ихтирочилик таклифи ва 2 та ихтиро киритилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилишига олиб келди. Бу корхонага режадагидан 3,3 баробар кўп – 998,8 минг сўм қўшимча иқтисодий самара олиш имконини берди. Айни пайтда янги техникаларни жорий этиш бўйича 51 та тадбир амалга оширилиб, 4 миллион 66 минг сўм фойда олинди.

Ён дафтардаги қайдардан: «Меҳнат жамоаси конференциясида корхона цехларини қайта жиҳозлаш дастури теварағида тортишув қилиб кетди. Ўзбекистоннинг сўзларида ишончсизлик сезилиб туради. Лекин кўпчилик электр билан пўлат

сига кўтарилди. Натижада махсулот экспорти ортиб борди. Айни пайтда импорт ўрнини қоплайдиган махсулотлар ишлаб чиқариш металлургиянинг асосий вазифасига айланди. Кон ва олтин саралаш саноати учун пўлат соққалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бу йўналишдаги фаолиятда етакчи ўрин тутди.

Факт: Мамлакат ҳар йили 100 минг тонна шундай соққаларни импорт қиларди. Уларни етказиб келишдаги узилишлар оқибатида Ўзбекистонда йилга 5 тоннага яқин соф олтин кам ишлаб чиқарилади.

Қисқа муддатда пўлат соққалари ишлаб чиқарувчи стан барпо этилди. 1994 йилнинг 25 майдан бошлаб ўз металлургияримиз 67, 80, 99 миллиметрли шундай махсулотларни етказиб бера бошлади. Навоий ва Олмалик кон-металлургия комбинат-



жон пўлат қуювчилар бўлиб етишилди. Усмонжон эса – автомат-пайвандлаш устаси.

Абдурахмон Абдураззоқовга Ўзбекистон Қаҳрамони унвонини бериш ҳақидаги фармон эълон қилинган куннинг эртасига унинг ҳонадонига етиб борган эдим.

Ён дафтардаги қайдардан: «Абдурахмон билан ёнма-ён пўлат эритиш печининг оловли пиширишини кузатиб туриб, ҳали уй соҳибаси Муборакхон айтган гапни эсладим:

– Ўзим ҳам, қизларим ҳам шу заводда меҳнат қилдик. Қизим Ҳабиба менга эргашиб, эмаль Собира бўлса, шиша идишлар цехларида меҳнат қилишди. Хатто, мана шу келиним Хидоятхон ҳам заводга кириб ишлаб босади».

Металлургиянинг ўнлаб ана шундай сулолалари етишиб чиқди. Нуриддиновлар, Муродовлар, Баратовлар, Нуржаевлар, Юсуповлар, Артыковлар, Абдураффоқовлар... Бугун ишчи сулолаларининг ўзини номна-ном санаб чиқиш қийин. Тўнқа ишлаб чиқариш стани ишчиси Юсуф Маткаримовнинг набиралари мустақиллик йилларида донгдор металлургия бўлиб етишилди. Баҳодир узлуксиз пўлат қуйиш қурилмасини бошқарди. Ботир эса – моҳир уста.

Пўлат эритувчи Роббим Нуржаевнинг ўғиллари Ҳасан ва Ҳусан ота касбини эгаллашди. Учинчи ўғли Юсуф ҳам улар изидан борди. Узлуксиз пўлат қуйиш қурилмасида Юсуповлар сулоласи камол топди. Юнус, Бобо, Файзулла, Нуриллар қаторига кейинчалик Ботир ҳам келиб қўшилди.

Ватан ўз фарзандларининг меҳнатини муносиб тақдирламоқда. Сўнгги йилларда «Ўзметкомбинат»нинг юздан зиёд ишчи-хизматчилари мамлакатнинг юксак мукофотлари, фахри унвонларига сазовор бўлди, ёрликлар олди. Бу соғлом томирлар – металлургиянинг янги авлоди чўқур илдиз отиб, саховатли Она заминни гўллатиб-яшнатмоқда, ўз меҳнати билан Ватан куч-қудратини оширмоқда.

Бекобод металлургияси ҳақида ҳар қанча ёзсанг оз. Бугун шу нарсани аниқ, ўтти даврининг барча мураккабликлари қарамасдан бу гигант металлургия корхонаси барқарор ишламоқда. У ишлаб чиқараётган махсулотлар Марказий Осиё мамлакатларида, Исроил, Буюк Британия, Хитой, Сингапур, Индонезия ва бошқа кўп давлатларга экспорт қилинмоқда.

Бугун Ўзбекистон қора металлургияси мутлақо янги довога кўтарилган. Тошкент ва Жиззах вилоятларида, Қорақалпоғистонда темир конлари очилди. Вилоятимизда янги металлургия корхонасини барпо этиш режалари қўриб чиқилмоқда. У металлургия саноати ривожига ўзгача жўшқинлик бағишлайди, Ўзбекистон иқтисодиётини яна ҳам юксалтиришда қудратли куч бўлиб қолади. Ўзбекистон пўлати мустақилликнинг ишончли қалқонига айланади.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, Еркебой БОТИРОВ (суратлар), «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН ПЎЛАТИ

ДАСТАЛБКИ МУСТАҚИЛ КАДАМЛАР

Шундай бир шароитда турли «башоратчилар» Ўзбекистон металлургия заводи энди ўзини ўнглай олмаслиги ҳақида ҳар солиб, меҳнат жамоасида умидсизлик турдиришга, парокандалик келтириб чиқаришга обдон уринишди.

Мана шундай оғир бир пайтда А. М. Анохин завод директорлигига тайинланди. У меҳнат ташкил этишининг янги усулларини жорий этиб, корхонани эса акциядорлик жамиятига айлантиришга тайёргарлик кўра бошлади.

– Меҳнат жамоамизнинг аъзолари барча ишлаб чиқариш мулклари ва захираларга эгаллик қилиш ҳуқуқини ўз қўлларига олишлари керак, – деган эди буш директор 1990 йил якунларини муҳокама қилиш чоғида.

У бошқарувни эркинлаштириш, маъмурият билан цех жамоаларининг меҳнат ва ишлаб чиқариш муносабатларини шартнома асосида ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Дастлаб ихара усулига ўтган 1-навли прокат цехи жамоаси биринчи йилиёқ зиён қўриб ишлашга чек қўйиб, илк дафъа 15 миллион 85 минг сўм соф фойда олди. Шу усулда меҳнат қила бошлагач, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш корхонаси олаётган фойда 2,2 миллион сўмдан ортиб кетди.

Ўзи учун меҳнат қилиш, ўзини корхона эгаси деб ҳис этиш туйғуси металлургияда ташаббускорликни, ишга ижодий ёндашуни кучайтирди. Мустақил Ўзбекистоннинг пўлат махсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, ўз

эритиш цехини қайта қуриш, асосий фондларни янгилаш, печларни замонавийлари билан алмаштириш, пўлатни узлуксиз қуйиш қурилмасини қайта жиҳозлаш, янги газ тозалаш иншоотларини барпо этиш, ишлаб чиқаришни бошқаришни автоматлаштириш соҳаларини қизғин қувватлаб чиқди.

Лекин ҳали корхона қийин кунларни бошдан кечираётган эди. Хом ашё, ёрдамчи материаллар етишмасди. Шулар назарда тутилиб, 1992 йили асосий хом ашё – қора металл парчаларини тайёрлаш, жўнатиш ва қайта ишлаш тармоғи «Ўзметкомбинат» тасаруфига ўтказилди. Хорижий ҳамкорлар билан тенгма-тенг туғридан туғри иқтисодий алоқалар ўрнатилиши бошланди. Айниқса, Россия, Германия, Украина металлургия билан илмий-техникавий ҳамкорлик катта имкониятлар ашигини очди. Туркия, Покистон, Япония, Исроил, Кипр, Жанубий Корея давлатлари металлургиянинг «Ўзметкомбинат» билан иқтисодий ҳамкорлик истиқболлари нихоятда қизқариб қўйди. Чунотчи, Япониянинг «Нисо Иваи» фирмаси билан шартнома асосида махсулот айрибошлаш ҳажми кенгайди. Ўзбекистон фирмага прокат махсулотлари, Япония томонидан эса, графитланган электродлар етказиб бера бошлади. Шу тариқа «Ўзметкомбинат» жаҳон бозори сари дадил қадам қўйди.

Бу қадамлар кўламини кенгайтириш учун махсулот сифатини яна ҳам яхшилашга киришилди. Чунотчи, арматуралар сифати японларнинг «ДЖИСТ-3112», Американинг «АСТМ А-615-М» андозалари талаблари даража-

лари уларни хориждан ташиб келтириш машаққатидан қутқаришди.

Мабала ишлаб топиш кенгайиб, фойда кўпайиб боргани сари металлургиянинг дам олишини ташкил этиш, уларнинг соғлигини тиклаш, маданий-маиший турмуш шароитларини яхшилашга ҳам кенг йўللар очилди. Дам олиш уйлари, санаторий ва курортларга бепул йўланмалар берили бошланди. Уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган ёки боқувчисини йўқотган оилаларга етарли моддий ёрдам кўрсатиш анъана тусини олди. Ишловчилар учун замонавий уйлар қурилиб, «Металлург» уйингоҳи, Маданият саройи қайта таъмирланди.

Оғир ва мураккаб босқичлардан муваффақиятли ўтиб олишда металлургиянинг руҳан тетиқлиги, мустақам иродаси, мустақил Ўзбекистон равон йўлга тушиб олиб, унинг жаҳон иқтисодий бозорига муносиб баҳоланадиган дамлар келишига ишончи қўлиб чиқди.

РАВОН ЙЎЛДА

– Мен «Ўзметкомбинат»нинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрнини жуда яхши тушунаман. Унинг бир маромда ишлаши, ривож учун бор кучини аямайман...

1995 йилнинг 22 майда «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш биразмаси бошқарувининг раиси – бош директорликка тайинланган Александр Қосимович Фармонов шундай деган эди. Орада ўн икки йилдан кўпроқ муддат ўтди. У ҳамон ўша ваъдасига содиқ қолиб, мамлакат қора металлургиясининг бу улкан корхонаси барқарор ишлаб туришига бутун қобилияти, билими, таж-

рибаси ва ташкилотчилик маҳоратини сарфламоқда.

Бу даврда тобора катта ўлчамли пўлат соққалар стандартлари қўйиш жадаллаштирилди. Заводнинг юрағи – электрда пўлат эритиш цехини қайта қуриш тугалланди. Корхона аргон гази ишлаб чиқаришни қайтадан йўлга қўйди. Сирланган ва шиша идишлар ишлаб чиқариш кенгайди. Дастлабки йили корхона ишлаб чиқаришининг рентабеллиги 25 фоизга кўтарилди.

Металл махсулотлари сифатини ошириш, юқори ҳароратларга чидамли хилларини ишлаб чиқариш йўлидаги муҳандислик изланишлари давом эттирилди. Натижада уларнинг қурилишдаги сарфи камайиб, «хизмат» муддати узайди. 2-навли прокат цехида мамлакат машинасозлик саноати учун нихоятда зарур олти бурчакли силликланган махсулотлар ишлаб чиқариш бошланди. Кон-металлургия корхоналари катта ўлчамли пўлат соққаларни етарлича олиб туришди.

Дастлабки уч йил ичида пўлат эритиш микдориди 343,8, тайёр прокат 322,2 минг тоннага етказилди. Фақат пўлат соққалар ишлаб чиқариш соҳасида 60 фоиз ўсишга эришилди. Биринчи маротаба 800 миллион сўмдан ортқ даромад жамғарилиб, акциядорларга илк бор 274 миллион сўм дивиденд тўланди.

Металлургия изланиши, технологияни мукамаллаштириш давом эттирилди. Пўлатга мукамал ишлов бериш қурилмаси синовдан муваффақиятли ўтди. Рангли ва чўян металллар эритиш печи ишга туширилди.

Кенг истеъмоли буюмлари, чунотчи, шиша идишлар ишлаб чиқариш жадал кенгайтирилди.

Факт: 2000 йилнинг май ойида савдога 120, июнда 250, июлда эса 323 минг донна шиша идиш етказиб берилди. Август ойида уста У. Жомуродов сменаси ҳажми уч литрли миллионини шиша идишини қўйди.

2001 йил майига келиб, соатига 85 куб аргон олиш қувватига эга бўлган ускуна махсулот бера бошлади. Натижада ўз эҳтиёжларидан орттириб, Олмалик кон-металлургия комбинати, Сирдарё иссиқлик электр станцияси сингари йирик истеъмолчиларга ҳам уни етказиб

бера бошлашди.

Ўша йили «СПС – 120» ишга тушди. Уни барпо этишда Россия мутахассислари иштирок этишди. 120 миллиметрли пўлат соққалари ишлаб чиқаришининг йўлга қўйилиши мамлакатга ҳар йили 7 миллион доллар микдоридида валюта маблағини тежаб қолиш имконини туғдирди.

2002 йилнинг августига келиб, электрда пўлат эритувчи янги печь барпо этилди. Бу кўпгина муаммоларнинг ҳал этилишига йўл очди. Жумладан, электр қуввати ва электродлар сарфи 20-25 фоиз камайди.

Технологиянинг такомиллаштирилиши натижасида 2002 йил сентябрида пўлат эритиш муддати 2 соат 35, декабрда эса, 1 соат 34 дақиқани ташкил этди. Бир кеча-кундузда 13 та эритма олинди. Тўрт ой ўтгач, бу кўрсаткич ўн еттигача етказилди. Бу Б. Бекназаров, Ш. Сирожиiddинов ва А. Турдиматов сингари пўлат эритувчиларнинг ҳақиқий меҳнат ютуғи эди.

– Ҳозир бу жараён бир соатдан кам вақт олапти, – дейди пўлат қуювчи Шўхрат Сирожиiddинов. – Ҳар ойда 53-55 минг тоннага етказиб пўлат эритаямиз.




Сўнгги бир йилда «Ўзметкомбинат» 277,7 миллион сўмликка яқин товар ишлаб чиқаришга эришди. Ўтган йили 616,7 тонна пўлат эритилиб, 585,7 тоннага яқин тайёр прокат олинди. Халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ҳажми 5,5 миллион сўмга етди. Хорижга 87,1 миллион долларлик махсулот экспорт қилинди. Бу кўрсаткич шу йилнинг беш ойида режадагидан 2,3 фоиз ўсишига эришилди.

ОЛОВЛИ КАСЕ ЭТАЛАРИ

Илдизи соғлом дароҳт асло қуримайди, балки инотли ва саховатли бу Она заминдан куч олиб, гуркираб ўсаверади, мўл-мўл ҳосил бераверади.

Меҳнат жамоаси ҳам шундай. Шу заминни яшнатиш, ривожлантириш, ўз турмушини маъноли ва тўқин қилиш иштиёқи, жамият куч-қудратини ошириш орзуси унга ҳамжихатлик, изланувчанлик, руҳий тетиқлик, маънавий баркамоллик бағишлайди.

«Ўзметкомбинат» меҳнат жамоаси шу таомиллар асосида шаклланди, Бекобод



Китобингизни ўқидим

“МЕТАЛЛУРГ”НИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Садзудлаве иждоининг етак-
чи Урин тутуви, акжаралмас
қисмига айланб қолган.

Яқинда устозимиз аян бир
айриги ишга қўл уриб, ке-
йинги 6-7 йиллик ижод ма-
сулларининг салмоқли бўла-
ги бўлган Асмон ғаданг номи-
га нисбат берилгувчи фелъе-
тонларини тўплаб, алоҳида
китоб ҳолида нашр эттирдиган-
лар. Китобини қўлга олар-
канман, ундаги бадий маъ-
хорат билан битилган асар-
ларнинг асарятари таниш
бўлса ҳам мени яна бир бор
қаджонга солди, даярли бир
ўтиришда ўқиб чиқдим. Асмон
ғаданг қаторида эски қадим

Утерянный аттестат о среднем образовании А 427684 выданный в 1994 году средней школой № 65 Мирзо-Улугбекского района г. Ташкента на имя Юн Андрея Николаевича,

**СЧИТАТЬ
НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Ўл туманидаги Гулбаҳор Ғиёвчиёв Сирор Ариповга акиси **АРИПОВ**нинг
қур ҳамдардлик билдиради.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.